



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САКЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
Б У Й Р У Г И**

«04» 12 2005 й.

№ 596

Тошкент ш

«Республика болалар кам инвазив
Эндоскопик хирургия илмий-амалий
Марказини ташкил этиш тугрисида».

Жахон тиббиет Фани технологиясининг кам инвазив эндоскопик хирургия хисобига ривожланиши хирургик амалиети асоратларини камайишига олиб келмокда.

Болалардаги хирургик касалликларни диагностикаси ҳамда даволашда кам инвазив эндоскопик усулларни куллаш ва даволаш-профилактика ердами сифатини ошириш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. 2005 йил 5 декабридан, юридик шахс мақомига эга, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги, давлат ташкилоти шаклида Тошкент Давлат Тиббиет Академияси 2-нчи клиникаси таркибида «Республика болалар кам инвазив эндоскопик хирургия илмий-амалий маркази» ташкил қилинсин.
2. Марказнинг Амалий вазифалари деб қуйидагилар белгилансин
 - аҳолига юқори малакали ихтисослашган тиббий ердამни ташкил қилиш ва амалга ошириш;
 - хирургик касалликлари билан касалланган бемор болаларга тиббий маслахат ва профилактик ердām курсатиш, янги самарали диагностика усуллари, ва даволаш чораларини ишлаб чиқиш, узлаштириш ва соғлиқни сақлаш тизими амалиетида тадбик қилиш;
 - Тошкент Давлат Тиббиет Академияси укув базаси сифатида тиббие институтлари талабалари хирургик касалликлари буйича замонавий укув ургатув ишларини ташкил қилиш;
 - мутахассисларга болалар хирургиясини янги тиббий усулларини ургатиш услубий кулланма, мақолалар ва рисоалар чоп этиш, текшириш ва даволаш стандартларини тузиш, ихтисослик буйича семинарлар ва курғазмал

операциялар утказиш оркали кадрлар тайерлаш ва малакасини оширишни мувофиқлаштириш;

- кам инвазив эндоскопик хирургия муаммолари ҳамда шу беморларни доридармонлар билан таъминлаш буйича Республика ва хориж фирмалари билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш;

- марказда амалий ишлардан ташқари мунтазам равишда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

- ихтисослашган юкори малакали замонавий технологияларга асосланиб тиббий ердамни ривожлантиришга йуналтирилган хорижий грантлар ва танловларда иштирок этиш.

3. 40 уриндан иборат Республика болалар кам инвазив эндоскопик хирургия илмий-амалий марказини Тошкент Давлат Тиббиет Академияси 2- клиника худудида Фаробий кучаси – 2, 8 – бино, 3 – каватида жойлаштирилиши кузда тутилсин.

- марказ таркибида 4 уриндан иборат операциядан кейинги жадал терапия хонаси ташкил этилсин

- марказ буйича 3та; 1 та етакчи, 1 та катта ва 1 та кичик илмий ходим лавозими ташкил этилсин.

4. Республика болалар кам инвазив эндоскопик хирургия илмий-амалий маркази директори лавозимига тиббиет фанлари доктори, профессор Ш.Т. Салимов тайинлансин.

5. Тошкент Давлат Тиббиет Академияси 2- клиникаси бош врач Б.Мамажоновга:

- Тошкент Давлат Тиббиет Академияси 2- клиникаси болалар хирургия булими хисобида турган барча жихозлар (каттик, юмшок, тиббий ва х.к.) клиника балансидан марказ балансига утказилиши топширилсин.

- Клиниканинг болалар жаррохлигига тегишли ҳамма штат бирликлари марказ хисобига утказилсин.

6. . Республика болалар кам инвазив эндоскопик хирургия илмий-амалий маркази директори Ш.Т. Салимовга – 2 ой муддат давомида:

6.1. Таклиф берилсин:

- Согликни саклаш вазирлиги Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш Бош бошқармасига марказнинг тузилмаси ва асосий йуналиши фаолияти буйича;

- Согликни саклаш вазирлиги Иктисодиет ва маблаг Билан таъминлаш Бош бошқармасига марказ фаолиятини таъминлаш учун қирим ва қиким смета лойихаси буйича;

6.2. Тайерлаш ва тасдиқлаш учун топширилсин:

- мазкур йилнинг 30 декабрига қадар марказ Низомини;

- марказнинг штат бирликлари руйхатини.

6.3. Марказни юкори малакали мутахассислар билан таъминлаш юклатилсин.

7. Согликни саклаш вазирлиги Иктисодиет ва маблаг Билан таъминлаш Бош бошқармасининг бошлиги Б.А.Хошимовга:


- марказни Республика бюджет хисобидан урнатилган тартибда молиялаштириш амалга оширилсин.

8. «Узтибтехника» Республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ж.Т.Алимовга:

- Марказнинг суровномаси асосида марказни зарур булган тиббий асбоб-ускуналар ва керакли жихозлар Билан таъминлашда ҳамкорлик қилиш топширилсин.

Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир уринбосари А. Комилов зиммасига юклатилсин.

Вазир



Ф.Г.Назиров

Кирилди:

ОваБМКББ



К.Ядгарова

Келишилди:

Вазирнинг биринчи уринбосари



А.Хаджибаев

Вазир уринбосари



А.Комилов

ДПЕКББ бошлиги



Ш.Хошимов

ИваМБТББ бошлиги




Б.Хашимов

Бош хукукшунос



И.Дудукина

Тошкент Давлат Тиббиет
Академияси ректори



Ш.Каримов

Тошкент Давлат Тиббиет
Академияси
II-клиника бош врач



Б.Мамажонов